



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 04 | pp. 513-522 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАР РЕЙТИНГИ ВА РЭНКИНГИНИ БАҲОЛАШДА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ТАҲЛИЛИ



Ташпулатов Гиёс Тохирович

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

доценти в.б., (PhD)

**Аннотация:** Ушбу мақолада Янги Ўзбекистон сиёсатида баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлаш принципи, кўрсаткичлари, баҳоловчи ташкилотларнинг рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлаш бўйича умумлашган ёндашувни (методологияни) қўллаш тамойиллари ва методологияси қўлланилиши таҳлил қилиниб, халқаро рейтинг агентликлари шкалалари синфларининг рақамли аналогси сифатида қабул қилинган [1; 27; -n] интервалаги сонлар тўпламидан иборат ўтиш шкаласи воситасида сифатий рейтинг индекс ёки миқдорий рейтинг индекс бўйича рэнкинглаш тавсия этилди.

**Калит сўзлар:** баҳоловчи ташкилотлар, рейтинг ва рэнкинг, комплекс ёндашув, сифатий ва миқдорий индекслар, рейтинг шкала, молиявий ўлчам.

**Abstract:** This article analyzes the principle, indicators, principles and methodology of applying a generalized approach (methodology) to the assessment and ranking of rating organizations in the politics of New Uzbekistan and is adopted as a digital analogue of classes of international rating scales. Ranking was recommended to be carried out according to a qualitative rating index or a quantitative rating index using a transition scale consisting of a set of interval numbers [1; 27; -n], adopted as a digital analogue of the scale classes of international rating agencies.

**Key words:** rating organizations, rating and ranking, comprehensive approach, qualitative and quantitative indices, rating scale, financial dimension.

#### 1. КИРИШ

Янги Ўзбекистоннинг сиёсати шароитида [1, 2, 3, 4] баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш ва уни халқаро даражага кўтариш ундаги баҳоловчиларнинг билим ва кўникмаларини жаҳондаги баҳоловчи ташкилотларининг тажрибаси орқали юқори даражага етказиш ҳамда баҳоловчи ташкилотларнинг рейтингини халқаро методологиялар асосида баҳолаш уларнинг рақобатдорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дунёда мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорининг нисбатан узоқ муддатли ривожланиши давомида баҳоловчи ташкилотлар рейтингини

баҳолашнинг нисбатан аниқ, синалган ва бир-биридан кескин фарқланувчи кўп миқдорда методологиялари ишлаб чиқилган бўлиб [7, 9, 10], улар ичида йирик Халқаро рейтинг агентликларининг хизматлари кўпчилик учун афзаллиги билан ажралиб туради.<sup>1</sup> Лекин мавжуд методлар ичида барча экспертлар томонидан умумэйтироф этилган универсал методологиянинг йўқлиги баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ишончли баҳолашда қийинчиликни келтириб чиқармоқда, чунки бир нечта рейтинг агентликлари бир компанияга бир-биридан фарқланувчи турли рейтинг баҳолар тақдим этади. Бундай салбий ҳолат мижозлар томонидан баҳоловчи ташкилотларни танлашда ноаниқликка ва маълум даражадаги ишончсизлигига сабаб бўлмоқда.

Юқорида келтирилган фикрларнинг барчаси бир томондан “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегияси ва Давлат раҳбарининг баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳолаш хизматлари бозорида эгаллаган ўрни ҳамда бошқа мезонларга қараб белгиланадиган баҳоловчи ташкилотларнинг рейтингини жорий этиш билан боғлиқ ҳамда тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш топшириғига ҳамоҳанглиги, ушбу мақоланинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

## 2. МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Сўнгги йилларда баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш ва рейтингини аниқлаш борасида иқтисодчи хорижий олимлар томонидан кенг қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Улар томонидан нашр этилган илмий-амалий ишларидан бугунги Янги Ўзбекистоннинг тараққиётида баҳоловчи ташкилотларнинг рейтингини аниқлаш борасида фойдаланиш мумкин. Масалан, Я.Миркин [6], рейтинг суверенитет элементи эканлиги фикрини берган.

Н.Синяк фикрича [7], рейтинг – ташкилот, фирма, компаниялар гуруҳининг ҳолатини белгиланган давр (ярим йил, бир йил) учун яхлит мезонларга мувофиқ баҳолаш. Рейтинг индекс сифатида аниқланади.

Н.Дьяченконинг фикрича [8], кўп мамлакатларда рейтинг баҳо миқдорлари компаниялар учун бенчмаркинг сифатида қўлланилади. Бунда Н.Дьяченко компания рейтингларини таснифлаб, уларни миллий ва хорижий валютада тўланиши, қисқа ва узоқ муддатли, масофавий (сўраб олинмайдиган, тўловсиз) ва бевосита алоқада бўлувчи (сўраланадиган, тўловли) белгиларда бўлиши мумкинлигини айтади.

В.Мукхорадһуау [5] фикрича, масофавий рейтинг методикаси учта хусусиятга эга: рейтинг агентлиги ҳақ олмайди; рейтинг баҳолар рейтинг агентлиги репутациясини шакллантириш учун йўналтирилган; бевосита алоқада бўлувчи рейтинглардан фарқли масофавий рейтинглар чекланган ахборотга таянган.

Замонавий баҳолаш фаолиятининг фундаментал асосларини илмий асарлари билан асослаб берган иқтисодчи олимларимиздан Ш.Шоҳаъзамийнинг асарларида

<sup>1</sup> Бунда фақат Нью-Йоркнинг “катта учталиқ” деб юритилувчи йирик рейтинг агентликлари улуши мазкур бозорнинг 90 фоизига яқин улушини ташкил қилади, яъни: Standard & Poor’s (S&P) – 40%, Moody’s Investors Service – 40% и Fitch Ratings – 10% [35]. Зеро, ушбу халқаро рейтинг агентликлари (жумладан А.М. Best Company Inc., Duff and Phelps ва бошқлар) хизматларининг нархи жуда юқори [36].

[11, 12, 13, 14, 15] ҳамда илмий-амалий асарларимизда [19, 20, 21, 22] ўз аксини топган.

### 3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тўғри танланган рейтингни баҳолаш методологияси ва унинг асосида тузилган рейтинг ва рэнкинглари баҳолаш хизматлари бозори иштирокчилари учун ишончли маълумот манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида [1] барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги баҳоловчи ташкилотларининг рейтингини жорий этиш уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозир бутун дунёда турли компаниялар рейтингини баҳолашда турли рейтинг агентликларининг методологиялари ва уларга мос шкаллари қўлланилмоқда. Натижада, турли хил методикалардан фойдаланган ҳолда бир хил фаолиятли компанияларни таҳлил қилишда натижалар фарқланиш ҳолатлари юзага келиши кузатиш мумкин. Бунда рейтинг агентликларининг муқобил методологиялари, рейтинг баҳолаш шкала ва стандартларидаги фарқланишлар, турли мазмундаги омил (кўрсаткич)лар қўлланилиши турли фарқланувчи рейтинг баҳолашга сабаб бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда назарий нуқтаи назардан ҳар қандай янги ёки такомиллаштирилган ёндашув ёки метод бизнинг илмий ишларимизда [19, 20, 21, 22] асосланган методология баҳоловчи ташкилотларнинг сифатий кўрсаткичлари ва миқдорий кўрсаткичлари асосида уларнинг рейтингини ва рэнкингини сифатий ва миқдорий баҳолаш комплекс ёндашувининг амалий жиҳатдан тўғри, қулай ва ишончли эканлиги Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар мисолида қўллаб таҳлилдан ўтказиш йўли билангина эмпирик асослаб сифат ва имкониятларини очиқ бериш мумкин.

### 4. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

*Методологияни биринчи вариантнинг таҳлили.* Бунда, турли баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкинг баҳоларининг кескин фарқланишини кескин камайтириш учун миқдорий рейтинг индекс (МРИ) бўйича баҳолаш учун қабул қилинган методология [16, 17, 18] асосида аниқладиган молиявий ўлчамдан фойдаланиб ташкилотлар рейтингларини уларнинг молиявий ўлчами бўйича рэнкинглаш назарда тутилади.

Ўзбекистоннинг танлаб олинган таниқли баҳоловчи ташкилотлари молиявий рейтинг ва рэнкинг баҳолари мос равишда 1- ва 2-жадвалларда келтирилган бўлиб, уларнинг таҳлилида қуйидаги меъёрий талабларга аҳамият бериш лозим:

- 1) молиявий ўлчам йилдан-йилга ўсиб бориши керак;
- 2) молиявий рейтинг нолга қанчалик яқин бўлса, баҳоловчи ташкилотнинг бухгалтерия баланси шунчалик сифатли бўлади;
- 3) баҳоловчи ташкилотнинг рэнкинг поғона ичидаги молиявий рейтингини қанчалик юқори бўлса, унинг топ-кучлилиқдаги ўрни шунча юқори бўлади.

Ушбу 1-жадвал ва 2-жадвалларда келтирилган баҳолаш баҳоловчи ташкилотларнинг мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозоридаги

муваффақиятлилиги, фаоллиги, рақобатдорлиги, ишончлилигини акс этади.

## 1-жадвал

## Баҳоловчи ташкилотлари МРИ рейтинг баҳолари

Т/ р	Баҳоловчи ташкилотлар	Меъёрлаштирилган молиявий ўлчам (йиллар бўйича)			Молиявий рейтинг (йиллар бўйича)		
		2021	2022	2023	2021	2022	2023
1	“Infra Finance” МЧЖ	3,80	3,77	3,82	42,11	22,52	28,41
2	“Tsiar-Ekspert” МЧЖ	3,34	3,38	3,41	25,06	99,41	94,52
3	“Korporativ Maslahat tizimlari” МЧЖ	3,49	3,48	3,34	224,73	52,47	75,20
4	“Afrosiyob Baho” МЧЖ	2,63	2,96	2,98	13,16	4,01	6,01
5	“Siant Baho” МЧЖ	3,24	3,46	3,70	11,05	6,71	13,06
6	“Midland Consulting” МЧЖ	3,34	3,43	3,28	15,85	10,40	13,29
7	“Diskont-Invest” МЧЖ	3,25	3,19	3,21	53,72	44,03	17,87
8	“Milliy Baho Konsalting” МЧЖ	2,22	2,34	2,23	7,38	42,67	7,96
9	“Real Biznes Baho” МЧЖ	3,06	3,14	3,05	62,96	9,24	15,59
10	“Valuation Expert Group” МЧЖ	3,24	1,79	2,09	84,20	81,01	19,96
11	“Total Estimate” МЧЖ	3,84	3,84	3,37	5,53	37,59	99,46
12	“Hamkor Baho” МЧЖ	3,32	3,50	3,48	248,46	180,55	13,51
13	“Universal Baho” МЧЖ	3,32	3,08	3,36	817,36	13,61	41,24
14	“Qo'qon Intel Baho” МЧЖ	1,88	3,13	3,38	16,17	29,66	48,41
15	“Gamma Consulting” МЧЖ	3,09	3,08	3,06	51,92	46,84	18,84

Ушбу 1-жадвал ва 2-жадвал таҳлилида меъёрлаштирилган молиявий ўлчами бўйича ижобий тенденцияга эришган биринчи топ 5 та молиявий ўлчами салбий тенденцияга эришган баҳоловчи ташкилотлар бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

## 2-жадвал

## Баҳоловчи ташкилотлар рэнкинги

Т/р	Баҳоловчи ташкилотлар	Рэнкинг поғона ичидаги молиявий рейтинг (йиллар бўйича)		
		2021	2022	2023
1	“Infra Finance” МЧЖ	0,09	0,17	0,13
2	“Tsiar-Ekspert” МЧЖ	0,13	0,03	0,04
3	“Korporativ Maslahat tizimlari” МЧЖ	0,02	0,07	0,04

4	“Afrosiyob Baho” МЧЖ	0,20	0,74	0,50
5	“Siant Baho” МЧЖ	0,29	0,52	0,28
6	“Midland Consulting” МЧЖ	0,21	0,33	0,25
7	“Diskont-Invest” МЧЖ	0,06	0,07	0,18
8	“Milliy Baho Konsalting” МЧЖ	0,30	0,05	0,28
9	“Real Biznes Baho” МЧЖ	0,05	0,34	0,20
10	“Valuation Expert Group” МЧЖ	0,04	0,02	0,10
11	“Total Estimate” МЧЖ	0,69	0,10	0,03
12	“Hamkor Baho” МЧЖ	0,01	0,02	0,26
13	“Universal Baho” МЧЖ	0,01	0,23	0,08
14	“Qo'qon Intel Baho” МЧЖ	0,12	0,11	0,07
15	“Gamma Consulting” МЧЖ	0,06	0,07	0,16

2-жадвал таҳлилий маълумотлар асосида шуни кўрсатмоқдаки, баҳоловчи ташкилотларнинг рэнкинг поғона ичидаги молиявий рейтинг қанчалик юқори бўлса ушбу топ-кучликдаги ўрни юқори бўлишини инобатга олиб, “Afrosiyob Baho” МЧЖ, “Siant Baho” МЧЖ, “Milliy Baho Konsalting” МЧЖ, “Hamkor Baho” МЧЖ, “Real Biznes Baho” МЧЖ баҳоловчи ташкилотларнинг молиявий рейтинги юқорилигини кўришимиз мумкин.

1-жадвал ва 2-жадваллар натижалари асосида 2023 йил ҳолатига меъёрлаштирилган молиявий ўлчамлари [3,38; 3,82] ораликларда жойлашган Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотларнинг (биринчи вариант асосида рейтинг ва рэнкинг баҳолашнинг математик методикаси бўйича) натижалар кўринишида ҳисоблаб топилган 3-жадвалда топ 5-талиқ кучликдаги ҳисоблаб топилган рэнкинг ўринларини келтириш мумкин.

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, 2023 йил ҳолатига Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотларнинг меъёрлаштирилган молиявий ўлчами [3,38; 3,82] ораликда бўлган ташкилотлар орасида “Infra Finance” МЧЖ баҳоловчи ташкилотнинг топ кучликдаги ўрни юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

### 3-жадвал

**Меъёрлаштирилган молиявий ўлчами [3,38; 3,82] ораликда бўлган баҳоловчи ташкилотлари мисолида таҳлилий синов натижалари (2023 йил ҳолатига)**

Баҳоловчи ташкилотлар	Молиявий ўлчам	Молиявий рейтинг	Рэнкинг поғона ичидаги молиявий рейтинг	Топ кучликдаги ўрни
“Infra Finance” МЧЖ	3,82	28,41	0,13	3
“Siant Baho” МЧЖ	3,70	13,06	0,28	1
“Hamkor Baho” МЧЖ	3,48	13,51	0,26	2
“Tsiar-Ekspert” МЧЖ	3,41	94,52	0,04	5

“Qo'qon Intel Baho” МЧЖ	3,38	48,41	0,07	4
----------------------------	------	-------	------	---

### Методологияни иккинчи вариантнинг таҳлили.

Ўзбекистоннинг юқорида келтирилган баҳоловчи ташкилотларининг рейтинг баҳоланишнинг сифатий кўрсаткичлари<sup>2</sup> орқали жаҳондаги мавжуд рейтинг агентликларининг методикаларидан<sup>3</sup> фойдаланган ҳолда интеграл балларда келтирилиб, уларнинг тегишли йиллар бўйича рэнкинг ўринлари аниқланиш мумкин. Бизнинг тадқиқотимизда Россиянинг («Эксперт РА» Рейтинг агентлигининг методологияси [http://www.raex-a.ru/ratings/appraising\\_potential](http://www.raex-a.ru/ratings/appraising_potential)) асосида таҳлил қилинди. (4-жадвал).

### 4-жадвал

#### Баҳоловчи ташкилотларининг СРИ бўйича рейтинг ўринлари

Т/р	Баҳоловчи ташкилотлар	СРИ бўйича ўрни (йиллар кесимида)		
		2021	2022	2023
1	“Infra Finance” МЧЖ	1	1	1
2	“Tsiar-Ekspert” МЧЖ	3	2	2
3	“Korporativ Maslahat tizimlari” МЧЖ	2	5	3
4	“Afrosiyob Baho” МЧЖ	4	4	4
5	“Siant Baho” МЧЖ	5	3	5
6	“Midland Consulting” МЧЖ	7	6	6
7	“Diskont-Invest” МЧЖ	6	10	7
8	“Milliy Baho Konsalting” МЧЖ	8	9	8
9	“Real Biznes Baho” МЧЖ	9	11	9
10	“Valuation Expert Group” МЧЖ	11	14	10
11	“Total Estimate” МЧЖ	10	13	13
12	“Hamkor Baho” МЧЖ	12	12	11
13	“Universal Baho” МЧЖ	13	15	12
14	“Qo'qon Intel Baho” МЧЖ	15	7	14
15	“Gamma Consulting” МЧЖ	14	8	15

Рейтингда иштирок этиш учун баҳоловчи ташкилотларнинг бизнес салоҳияти (0,33 вазн коэффицентенти), бизнес кўлами (0,25 вазн коэффицентенти) ва баҳоловчилар малакаси (0,11 вазн коэффицентенти) каби сифатий кўрсаткичлар асосида ифодаланувчи  $СРИ=0,33*БС+0,25*БК+0,11*БМ$  мезон ёрдамида ҳисоблаб

<sup>2</sup> Баҳоловчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган сифатий кўрсаткичлар (бизнес салоҳияти, бизнес кўлами, баҳоловчилар малакаси ва бошқа кўрсаткичлар)

<sup>3</sup> Халқаро рейтинг агентликлари (S&P, Fitch, Moody's) методикалари бўйича баҳоланш; Россиядаги RAEX (РАЭК-Аналитика) МЧЖ рейтинг агентлигининг методикаси ([https://raex-a.ru/ratings/appraising\\_potential/metodika](https://raex-a.ru/ratings/appraising_potential/metodika)); Методика рейтингга – Оценка деловой активности оценочных организаций Узбекистана // Рейтинговое агентство «Ahbor-Reyting» [Электрон. ресурс]. – Режим доступа: [http://www.ahbor.uz/dr\\_kor\\_emit\\_method.php](http://www.ahbor.uz/dr_kor_emit_method.php). – Дата доступа: 18.07.2010.; Азимова Т. Рейтинг оценщиков повысился / Т. Азимова // Биржа [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [http://www.gazetabirja.uz/index.php?option=com\\_content&task=view&id=18921&Itemid=34](http://www.gazetabirja.uz/index.php?option=com_content&task=view&id=18921&Itemid=34).

топилган. Хусусан олганда, 2023 йил якунлари бўйича “Infra Finance” МЧЖ, “Tsiar-Ekspert” МЧЖ, “Korporativ Maslahat tizimlari” МЧЖ, “Afrosiyob Baho” МЧЖ, “Siant Baho” МЧЖ баҳоловчи ташкилотларининг рейтинглари ҳар бир мезон бўйича юқори ўринларни эгаллаган.

#### **Методологияни учинчи вариантнинг таҳлили.**

Ўзбекистондаги йирик баҳоловчи ташкилотларининг рейтинг баҳолашнинг учинчи варианты бўйича бажарилган таҳлил натижасида 1- ва 2-методологиялар асосида ҳисоблаб топилган вариантлар бўйича ҳам миқдорий (0,75 вазн коэффициентда) ҳам сифатий (0,25 вазн коэффициент) кўрсаткичлари (яъни МРИ ва СРИ) асосида ифодаланувчи интеграл мезон, яъни  $ИМ=0,75*МРИ+0,25*СРИ$ , ёрдамида ҳисоблаб топилган ва уларнинг тегишли йиллар бўйича рэнкинги ўринлари аниқланган. (5-жадвалда келтирилган)

Хусусан олганда, 2023 йил якунлари бўйича “Afrosiyob Baho” МЧЖ, “Siant Baho” МЧЖ, “Milliy Baho Konsalting” МЧЖ, “Hamkor Baho” МЧЖ, “Midland Consulting” МЧЖ баҳоловчи ташкилотларининг рейтинглари ҳар бир мезон бўйича юқори ўринларни эгаллаган.

Жаҳон амалиётида қўлланиладиган сифатий рейтинг индекс (СРИ) бўйича топилган рейтинг ва рэнкинги баҳолаш методикалари асосида аниқланган натижалар бир-биридан фарқланиши миқдорий рейтинг индекс (МРИ) бўйича аниқланадиган рейтинг ва рэнкинги баҳолаш методикасининг афзаллигини билдиради.

Баҳоловчи ташкилот ҳолатини мос равишда сифатий ва миқдорий ифодаловчи ҳар иккала интеграл индекс (СРИ ва МРИ) ривожининг ўзгариши ва шаклланиши натижалари бир-бирига эквивалент категориялар. Шунинг учун экспертлар томонидан уларнинг ҳар бири (учинчи вариантдаги методикада) 0,5 миқдордаги тенг вазнларда ёки баҳолаш аниқлиги нисбатан 4 (тўрт) баробарга юқори бўлган миқдорий 0,75, сифатий 0,25 вазнларда қабул қилиниши мумкин.

#### **5-жадвал**

#### **Баҳоловчи ташкилотларининг рейтинг ўринлари**

Т/р	Баҳоловчи ташкилотлар	Интеграл мезон бўйича ўрни (йиллар кесимида)		
		2021	2022	2023
1	“Infra Finance” МЧЖ	8	6	9
2	“Tsiar-Ekspert” МЧЖ	6	13	13
3	“Korporativ Maslahat tizimlari” МЧЖ	13	11	14
4	“Afrosiyob Baho” МЧЖ	5	1	1
5	“Siant Baho” МЧЖ	3	2	2
6	“Midland Consulting” МЧЖ	4	4	5
7	“Diskont-Invest” МЧЖ	9	9	7
8	“Milliy Baho Konsalting” МЧЖ	2	12	3
9	“Real Biznes Baho” МЧЖ	11	3	6
10	“Valuation Expert Group” МЧЖ	12	14	10
11	“Total Estimate” МЧЖ	1	8	15

12	“Hamkor Baho” МЧЖ	14	15	4
13	“Universal Baho” МЧЖ	15	5	11
14	“Qo'qon Intel Baho” МЧЖ	7	7	12
15	“Gamma Consulting” МЧЖ	10	10	8

Баҳоловчи ташкилот фаолиятининг ҳолатини ўзаро эквивалент бўлган СРИ ва МРИ категориялар алоҳида-алоҳида равишда акс этиши мумкин.

Юқоридаги таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, методиканинг учинчи варианти, яъни интеграл мезонлар асосида таҳлили бўйича топ 5-та юқори ўринни “Afrosiyob Baho” МЧЖ, “Siant Baho” МЧЖ, “Milliy Baho Konsalting” МЧЖ, “Hamkor Baho” МЧЖ, “Midland Consulting” МЧЖ баҳоловчи ташкилотлар эгаллаган.

Баҳоловчи ташкилотлар ҳолатининг эквиваленти илмий асосланган [11, 12, 13] деб қабул қилинган СРИ ва МРИ индекслар ўзгаришини учинчи регулятив омил (РО) белгилайди.

Илмий-фалсафавий нуқтаи назардан СРИ ва МРИ категориялар диалектиканинг миқдорни сифатга ва сифатни миқдорга айланиши қонунига асосан РО омил воситасида ўзаро сабаб-оқибатий алоқада бўлганлиги учун, улар РО орқали бир-бирига айланиш ва бир-бирининг ўзгаришини шакллантириш хоссасига эга. Шу сабабли, СРИ ва МРИ омилларни бир-бири билан РО омил орқали боғлиқ эквивалент категориялар деган гипотеза маънога эга дейиш мумкин.

## 5. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Илмий-назарий нуқтаи назардан ҳар қандай янги ёки такомиллаштирилган ёндашув ёки методнинг, жумладан ушбу тадқиқот ишимизда таклиф этилган баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкингини миқдорий ва сифатий баҳолаш комплекс ёндашувининг амалий жиҳатдан тўғри, қулай ва ишончли эканлиги уни конкрет объектлар Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар мисолида қўллаб синовдан ўтказиш йўли билангина эмпирик асослаб сифат ва имкониятлари очиқ берилди.

Юқоридаги таҳлил натижалар шуни кўрсатадики, жаҳон амалиётида қўлланиладиган мавжуд рейтинг агентликларининг методикалари сифатий рейтинг индексларига (СРИ) қаратилганлиги ҳамда турли хил рейтинг методикалари асосида аниқланган натижалар бир-биридан фарқланиши инобатга олган ҳолда миқдорий рейтинг индекс (МРИ) бўйича аниқланадиган (таҳлилимизнинг биринчи методи) рейтинг ва рэнкинг баҳолаш методикасининг аниқлиги ва афзаллигини билдиради.

## 6. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги №ПФ-158-сон фармони;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги №ПФ-6079-сон фармони;



3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4210-сон қарори;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги “Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4381-сон қарори.
5. Mukhopadhyay B. (2006) Existence of unsolicited ratings // Asia-Pacific Financial Markets. 2006. Vol.13. Issue 3. P. 207–233.
6. Миркин Я.М. Рейтинг как элемент суверенитета // Эксперт. 2014. № 6. с.14.
7. Синяк Н.Г. Анализ параметров и разработка методики оценки компаний, занимающихся оценочной деятельностью./Н.Г.Синяк, А.Н.Долгих // Вестник Полоцкого госуниверситета. Сер. D. Экономические науки. – 2012. – № 6. – С. 27–34. <http://elib.psu.by:8080/handle/123456789/290>.
8. Дьячкова Н.Ф. Сопоставление рейтинговых шкал российских и зарубежных агентств: промышленные и финансовые компании // Корпоративные финансы, 2018, №2, Том 16. НИУ «ВШЭ». – с.35-52.
9. Халқаро рейтинг агентликлари (S&P, Fitch, Moody’s) методикалари бўйича баҳолаш; Россиядаги РАЕХ (РАЭКС-Аналитика) МЧЖ рейтинг агентстлигининг методикаси ([https://raex-a.ru/ratings/appraising\\_potential/metodika](https://raex-a.ru/ratings/appraising_potential/metodika)).
10. Методика рейтинга – Оценка деловой активности оценочных организаций Узбекистана // Рейтинговое агентство «Ahbor-Reyting» [Электрон. ресурс]. – Режим доступа: [http://www.ahbor.uz/dr\\_kor\\_emit\\_method.php](http://www.ahbor.uz/dr_kor_emit_method.php). – Дата доступа: 18.07.2010.
11. Шоҳаъзамий Ш.Ш. Трактат о смарт цифровой республике. Монография. - Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020. -352 с.
12. Шоҳаъзамий Ш.Ш., Суннатов Ю.У. Фирмалар бухгалтерия баланси асосида молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг янгича ёндашуви.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали №5, 2017 й. сентябр.-20 б.
13. Шоҳаъзамий Ш.Ш., Суннатов Ю.У. Номолиявий фирмалар бухгалтерия баланси кўрсаткичларининг таҳлил усули, меъёрлари ва оптимал миқдорларини аниқлаш.// В кн.: “Пути и механизмы дальнейшего развития и либерализации экономики в свете реализации Стратегии действий по пяти направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах”//По материалам IX Форума экономистов Узбекистана.// Ташкент, ИПМИ при Кабинете Министров Республики Узбекистан, 2017 г. -с.280-284.
14. Шоҳаъзамий Ш.Ш., Суннатов Ю.У. Фирмалар молиявий ўлчамига қараб молиявий ҳолати рейтинги бўйича уларнинг молиявий топ-кучлиликдаги ўрнини аниқлаш//“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 2019 йил 11 октябр, З.М.Бобур номидаги Андижон Давлат университети.
15. Shoha'zamiy Sh.Sh. Mulk, qiymat va narxning nazariy asoslari. Darslik. - Т.: Iqtisod-moliya, 2018. - 492 b.

16. Суннатов Ю.У. Номолиявий фирмалар бухгалтерия баланси бўйича ўн иккита трансформацияланиш коэффициентининг минимал ва максимал чегаравий миқдорларини аниқлаш услуги.// “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, З.М. Бобур номидаги Андижон давлат университети, 2019 йил 11 октябр.

17. Суннатов Ю.У. Номолиявий фирмалар молиявий ҳолатига баҳо бериш учун бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ёрдамида ифодаланувчи трансформацияланиш коэффициентларининг эталон миқдорларни аниқлаш ва уларни қўллаш.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали №1, 2020 йил феврал.

18. Суннатов Ю.У. Номолиявий компанияларнинг умумий баҳосига қараб молиявий топ-кучликдаги ўрнини аниқлаш.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали №4, 2020 йил август. -10 б.

19. Ташпулатов Г.Т. Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкингини баҳоланишнинг принципи ва методологияси. // “Молия ва Банк иши” БМА илмий электрон журнали. №5, 2020 йил октябр. – б.18-26. [www.journal.bfa.uz](http://www.journal.bfa.uz).

20. Ташпулатов Г.Т. Баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкингини баҳоланишнинг методологиясини такомиллаштириш. Капитал бозорини ривожлантириш ва хусусийлаштириш шароитида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби. 2022 йил 29 июнь. 71-77 бет.

21. Ташпулатов Г.Т. Миллий иқтисодиётнинг рақамли трансформацияланиши шароитида баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкингини баҳоланишини такомиллаштириш. “O‘zbekistonning xalqaro reyting va indekslardagi o‘rnini yaxshilash muammolari: nazariya, amaliyot va strategiya” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallar to‘plami. 2023-yil 17 noyabr. 230-236 b.

22. Янги Ўзбекистон тараққиёти сиёсатида баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳоланиш ва рейтингини аниқлашнинг комплекс ёдашуви зарурати. Moliya-kredit tizimini strategic rivojlantirishning muammolari va ustuvor yo‘nalishlari mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi 2024-yil 25 aprel materiallari to‘plami. 91-95 b.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

